

Оила тинч – юрт тинч.

Сариштали уй – фариштали уй.

Ота – хазина, ака-ука – таянч

Дуст эса – ҳар иккови

Ўзбек халқ мақоллари

Оила тақвими



2012 йил

июль, август, сентябрь

MAHALLIY
BEPUL NUSXA

Тошкент,

“Сано-стандарт” нашриёти

УДК: 37.018.1

КБК: 86.42

О-37

Оккулъшмач

Оила таквими. Тўплаб нашрга тайёрловчи А.Тилавов. – Т.: “Сано-стандарт” нашриёти, 2012. – 96 бет.

ISBN 978-9943-68-5

УДК: 37.018.1

КБК: 86.42+87.7

Ушбу таквимда ўзбек халқ мақоллари, аждодларимиздан қолган маънавий меросларда оила, оила мустақамлигига оид қимматли тавсиялар ўрин олган. Шунингдек, ундаги “Руҳшуноснинг ён дафтарида”, “Дунё табибларининг даволаш усуллари”, “Оилавий суҳбатлар”, “Назм бўстонида”, “Қизимни тарбиялаётман”, “Ўғлимни тарбиялаётман” каби рукнлар остида берилган мақолалар сизни бефарқ қолдирмайди, деган умиддамиз.

Таҳрир хайъати:

Абдулазиз МАНСУРОВ,

Ўзбекистон мусулмонлари идораси
раисининг ўринбосари

Анвар ТУРСУНОВ,

Тошкент шаҳар бош имом - хатиби

Холида Очилова,

Олий тоифали шифокор

Муҳаррир:

Муяссар УМИРОВА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги

Дип тизими бўйича ~~қўлланма~~ руҳати билан чоп этилди.

ISBN 978-9943-396-68-5

А 5637

© “Сано-стандарт” нашриёти, 2012 й.

© Ahmadjon Murod o'g'li

Ақли расо ҳар қайси инсон яхши англайдики, бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди.

Шахсан менга «насл» ва «насиба» деган сўзлар ўртасида қандайдир илоҳий боғлиқлик бордек туюлади. Албатта, ҳар бир бандага ризқ-насибани Оллоҳ таоло беради. Лекин бу ҳаётда насибаси бутун ва тўла бўлиши учун инсоннинг ўзи ҳам чин дилдан интилиши, зурриёдини соғлом муҳитда тарбиялаши катта аҳамиятга эга эканини унутмаслигимиз зарур.

Бугунги кунда бизнинг қилаётган барча ишларимиз фарзандларимизнинг бахту саодати, уларнинг ёруғ келажаги учун амалга оширилмоқда. Лекин бахту саодат фақат бойлик, молу мулк билан белгиланмайди. Одобли, билимдон ва ақлли, меҳнатсевар, иймон-эътиқодли фарзанд нафақат ота-онанинг, балки бутун ҷамиятнинг энг катта бойлигидир.

Ислом Каримов

Оилангиз саодатга тўлсин

Бишнава аз най чун ҳикоят мекунад,
Аз жудойиго шикоят мекунад.

*(Найни эшит, у нималарни ҳикоят қилмоқда, у айри-
ликлардан шикоят қилмоқда)*

Жалолиддин Румий

Оила мукаддас кўрғон, давлат ичидаги бир митти давлат. Бу салтанат никоҳ, меҳр, муҳаббат, иззату икром ва бурчни англаш билан обод. Буни ҳис этган, бурчига собит ва содиқ бўлган хонадон аҳли фойз, барокат ва хурсандчилик оғушида яшайди. Дилларни кийновчи ва тирновчи дардлардан холи бўлади.

Яхши ният ва изхори самимият бўлган ушбу тақвим ҳам шу тафаккур ҳосиласи бўлди. Мухтарам Юртбошимизнинг ташаббуслари билан жорий йилнинг «Мустаҳкам оила йили» деб аталишидан бобаҳралик эзгу сўзларни жамлаб, Сиз азизларга етказишга рағбат уйғотди. Бинобарин, «бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил» тамойили асосида турмуш ҳақиқатидан айрим бир лавҳаларни эътиборингизга ҳавола этиб маъқул бўлишидан умидландик.

Тақвимимиздан мухтарам олимларимиз, тажрибали руҳшуносларнинг оила мустаҳкамлиги, оиладаги ноҳушликларни бартараф этишга оид тавсиялари ўрин олган. Шунингдек, “Дунё табибларидан тавсиялар”, “Болажонларга тестли зртаклар”, “Ибратли воқеалар”, “Туш таъбирлари”, “Пазанда кединчак дастурхони”, “4 масалликли таомлар”, “Балоғат ёшидаги қизларимизга оид муаммолар”, “Назм бўстонида”, “Улуғлардан ўғитлар”, “Қайнонажонқайнона”, “Куёвболага”, “Одобли одамлар одоби”, “Келинпошша эшитинг”, “Бир чимдим кулгу”, “Мактаб уйдан бошланади” каби рукнлар остида мақолалар берилади.

Келинг, сиз ҳам бизга ёзинг, эзгуликка шерик бўлинг. Оилангиз саодат масканига айланишини тилаб

Таҳририят

Юксак шараф ва мартаба ақлнинг камолига боғлиқдир. Ақли камилнинг айб-нуқсонлари пардаланган, хатти-харакатлари тартиблидир.

«Фарзанд тарбияси» китобидан

2012
ИЮЛЬ

1

Шаббон 1433 11

ЯКШАНБА	Тонг	Кۈш	Пешин	Аср	Шом	Хуфтон
Тошкент	3:21	4:51	12:26	18:02	20:02	21:32
Андижон	3:09	4:39	12:14	17:50	19:50	21:20
Бухоро	3:42	5:12	12:47	18:23	20:23	21:53
Гулистон	3:28	4:58	12:33	18:09	20:09	21:39
Жиззах	3:27	4:57	12:32	18:08	20:08	21:38
Навоий	3:40	5:10	12:45	18:21	20:21	21:51
Наманган	3:11	4:41	12:16	17:52	19:52	21:22
Нукус	3:59	5:29	13:04	18:40	20:40	22:10
Самарқанд	3:30	5:00	12:35	18:11	20:11	21:41
Термиз	3:28	4:58	12:33	18:09	20:09	21:39
Урганч	3:56	5:26	13:01	18:37	20:37	22:07
Фарғона	3:11	4:41	12:16	17:52	19:52	21:22
Карши	3:32	5:02	12:37	18:13	20:13	21:43

ОИЛА ҚУРИШДА ЭЪТИБОР БЕРИШ ЗАРУР БЎЛГАН ЖИҚАТЛАР

Мутахассислар ажрашишлар тобора ортиб бораётган ҳозирги шароитда нималарга эътибор бериш кераклиги ҳақидаги таклифлар билан чиқдилар. Мутахассисларнинг узоқ йиллар давом этадиган бахтиёр турмуш ҳақидаги формулалари қуйидагилар:

- Табиатингиз тўла шакланмасдан, етуклик ёшига етмасдан олдин оила қурманг. Тўйдан олдин қарши жинсга нимага аҳамият берганингизни таҳлил қилинг. Гўзаллик, бойлик, таҳсил, мартаба кабиларга учманг. Умр бўйи бирга бўлиш учун нима муҳимроқ эканини мулоҳаза қилиб кўринг.

- Умидсизлик билан оила қурманг. Уйдан узоқлашиш мақсадида қурилган турмуш узоқ давом этмайди. Чунки бундай туйғулар билан қурилган оилалардан кўп нарса кутилади. Энг муҳими руҳий ҳолатингиз янги хонадонингизга ҳам ўтиши мумкин. Шунинг учун муаммолардан қочиш илинжида оила қуриш тўғри ечим эмас.

- Турмуш қурадиган кишингизни борича кўринг. Истаганингиздек кўришга ўзингизни мажбур қилманг.

2**2012
ИЮЛЬ**

*Эй атиз фарзанд! Ҳеч қачон биров
тўғрисида ёмон гумон қилма.
Ёмон гумон сени ҳеч кимга дўст
қилмай қўяди.*

12**1433****Шаббон**

ДУШАНБА	Тонг	Қуёш	Пешин	Аср	Шом	Хуфтаб
Тошкент	3:22	4:52	12:27	18:02	20:02	21:32
Андижон	3:10	4:40	12:15	17:50	19:50	21:20
Бухоро	3:43	5:13	12:48	18:23	20:23	21:53
Гулистон	3:29	4:59	12:34	18:09	20:09	21:39
Жиззах	3:28	4:58	12:33	18:08	20:08	21:38
Навоий	3:41	5:11	12:46	18:21	20:21	21:51
Наманган	3:12	4:42	12:17	17:52	19:52	21:22
Нукус	4:00	5:30	13:05	18:40	20:40	22:10
Самарқанд	3:31	5:01	12:36	18:11	20:11	21:41
Термиз	3:29	4:59	12:34	18:09	20:09	21:39
Урганч	3:57	5:27	13:02	18:37	20:37	22:07
Фарғона	3:12	4:42	12:17	17:52	19:52	21:22
Қарши	3:33	5:03	12:38	18:13	20:13	21:43

Масалан, гаплари совуқлигини кўриб, «Туйғуларини ифода этолмаяпти» деб ҳам хаёлга берилманг. Агар бундай табиатли киши билан яшай олмасангиз, уни сеҳнингида бошқача гавадалатирманг.

• Тенгингиз билан турмуш қуринг. Эр-хотиндан бирининг иккинчисига ҳукм ўтказишга асосланган оила барқарор бўлмайди. Масалан, иқтисодий жиҳатдан тўқис оилага кирсангиз, эзилишингиз турган гап. Буни маълум муддат ичингизга ютсангиз ҳам ўзингизга жабр қилган бўласиз. Охир-оқибат беҳурмат бўласиз.

• Унаштирилганингиздан кейин маълум муддат кутинг. Статистик маълумотларга қараганда, шошилиб оила қурган кишилар тез ажрашар эканлар. Унаштирилган лайт узоқроқ давом этса, инсоннинг ҳақиқий табиатини кўриш мумкин бўлади. Агар уни борича қабул қила олсангиз, оила қуринг.

• Зарарли одатларга эътибор беринг. Сигарета чекиш каби оддий кўникма ҳам оиланинг барбод бўлиши учун етарлидир. Ўзини идора қила олмаган кишилар бошқа масалаларда ҳам муаммо туғдирадилар.

• Орзулари сизникига ўхшаш киши билан оила қуринг. Масалан, фарзандли бўлиш-бўлмаслик ҳақида гаплашиш учун никоҳ кечасини кутманг. Бошқа ша-

*Ҳикмат мискин-бечорларни
малик-подшоҳларнинг
мажлисига қадар олиб боради.*

**2012
ИЮЛЬ**

3

Шаббон 1433 13

СЕШАНБА	Тонг	Кўёш	Пешин	Аср	Шом	Хуфтон
Тошкент	3:22	4:52	12:27	18:02	20:02	21:32
Андижон	3:10	4:40	12:15	17:50	19:50	21:20
Бухоро	3:43	5:13	12:48	18:23	20:23	21:53
Гулистон	3:29	4:59	12:34	18:09	20:09	21:39
Жиззах	3:28	4:58	12:33	18:08	20:08	21:38
Навоий	3:41	5:11	12:46	18:21	20:21	21:51
Наманган	3:12	4:42	12:17	17:52	19:52	21:22
Нукус	4:00	5:30	13:05	18:40	20:40	22:10
Самарқанд	3:31	5:01	12:36	18:11	20:11	21:41
Термиз	3:29	4:59	12:34	18:09	20:09	21:39
Урганч	3:57	5:27	13:02	18:37	20:37	22:07
Фарғона	3:12	4:42	12:17	17:52	19:52	21:22
Карши	3:33	5:03	12:38	18:13	20:13	21:43

ҳарда ёки давлатда яшаш ниятингиз бўлса, буни билдирганингиз яхши. Диний масалаларга, оилавий қадриятларга, анъаналарга қандай муносабатда эканингиз ҳақида фикр алмашинг.

• Мулоқот қила оладиган киши билан оила қуринг. Суҳбатлаша олмайдиган кишингиз билан ҳаёт осон кечмайди. Таништирилган пайтингиз мулоқот қила олмаган бўлсангиз, уни ҳеч ҳам билмайсиз демақдир. Сизни таништирганларга шошилиш жавоб беришингиз шарт эмас. Агар ҳаракатларида безовталиқ сезсангиз, бундай киши билан оила қурманг. Масалан, ҳадеб пулдан гапирса ёки тинмай ўзини мақтаса. Чунки суҳбатда инсоннинг кимлиги сезилади: «Инсон тили остида яшириндир».

• Ҳаяжонни эътиборга олманг. Узоқ йиллик турмуш учун ҳавас ҳам кераклигини унутманг. Оила – туйғуларга асосланган муносабат. Ҳамма нарсани мантиққа асосан ҳал қилиш керак, аммо туйғулар билан тананинг истаги ҳам эътиборсиз қолмасин!



4

2012
ИЮЛЬ

Дўстларингга ҳам, душманларингга ҳам очиқ юз билан қара. Ҳеч кимга қовоғингни уйма. Дўстларингга ҳурмат-эҳтирам курсат, иллат-шарҳ қил.

14 1433 Шайбон

ЧОРШАНБА	Тонг	Куёш	Пешин	Аср	Шом	Хуфтон
Тошкент	3:23	4:53	12:27	18:01	20:01	21:31
Андижон	3:11	4:41	12:15	17:49	19:49	21:19
Бухоро	3:44	5:14	12:48	18:22	20:22	21:52
Гулистон	3:30	5:00	12:34	18:08	20:08	21:38
Жиззах	3:29	4:59	12:33	18:07	20:07	21:37
Навоий	3:42	5:12	12:46	18:20	20:20	21:50
Наманган	3:13	4:43	12:17	17:51	19:51	21:21
Нукус	4:01	5:31	13:05	18:39	20:39	22:09
Самарқанд	3:32	5:02	12:36	18:10	20:10	21:40
Термиз	3:30	5:00	12:34	18:08	20:08	21:38
Урганч	3:58	5:28	13:02	18:36	20:36	22:06
Фарғона	3:13	4:43	12:17	17:51	19:51	21:21
Карши	3:34	5:04	12:38	18:12	20:12	21:42

ТАРБИЯ УМР БЎЙИ КЕРАК

Баъзи қизлар ёшидан каттароқ кўринишга ҳаракат қиладилар. Уларнинг хаёлини билим олишдан кўра синфдош болаларнинг қайси бири кўркамроқ экани ҳақидаги фикрлар кўпроқ банд этади. Хаёлга берилишга мойил бўладилар. Дафтарининг ҳамма жойига қизил ёки пушти лаб бўёғи излари, юрак шакли, атиргул ғунчаси суратларини кўрасиз. Ишқий откриткаларга қизиқадилар. Ҳатто дафтарларини тўлдириб келинлик либоси чизадиганлар ҳам бўлади. Бундай қизларга тўғри йўл кўрсатиш лозим. Жисмонан тўла етилмаган қизларнинг мактабдан чиқиб тўғри уйга келишлари таъминланиши лозим. Чунки улар ўзидан катталар билан муносабат ўрнатишга қизиқишлари, бу эса, баъзи ҳолларда, нохушликка сабаб бўлиши мумкин. Бундай қизлар билан эҳтиёт бўлиб муомалада бўлиш зарур. Чунки зуғум ўтказиш тўғри бўлмаганидек, ҳали барқарор бўлмаган туйғу сели ичида бўлганларидан эркин қўйиш ҳам тўғри эмас.

Бундай қизлар жинсдошлари билан у қадар келиша олмайдилар. Худбинлиги ёки эътибор қаратишни исташи туфайли у дўст орттиришга қийналиши мумкин. Энг яхшиси, қизингиз эҳтиёж сезадиган ижтимоий муҳитни

*Ёшлигингни ганимат бил.
Ишларингда ақлли ва илм
саҳиби бўлган кишилар билан
маслаҳатлаш.*

**2012
ИЮЛЬ**

5

Шабон 1433 15

ПАЙШАНБА	Товг	Қуёш	Пешин	Аср	Шом	Хуфтон
Тошкент	3:24	4:54	12:27	18:01	20:01	21:31
Андижон	3:12	4:42	12:15	17:49	19:49	21:19
Бухоро	3:45	5:15	12:48	18:22	20:22	21:52
Гулистон	3:31	5:01	12:34	18:08	20:08	21:38
Жиззах	3:30	5:00	12:33	18:07	20:07	21:37
Навоий	3:43	5:13	12:46	18:20	20:20	21:50
Наманган	3:14	4:44	12:17	17:51	19:51	21:21
Нукус	4:02	5:32	13:05	18:39	20:39	22:09
Самарқанд	3:33	5:03	12:36	18:10	20:10	21:40
Термиз	3:31	5:01	12:34	18:08	20:08	21:38
Урганч	3:59	5:29	13:02	18:36	20:36	22:06
Фарғона	3:14	4:44	12:17	17:51	19:51	21:21
Қарши	3:35	5:05	12:38	18:12	20:12	21:42

ўзингиз тайёрланг. Дугоналарини меҳмонга чақириши мумкинлигини айтинг (тунаб қолишлари ҳам мумкин). Ҳамжинслари билан дўст бўлишни ўргатинг. Ёшлигингиз ҳақидаги яхши хотираларни гапириб беринг.

Қизингизнинг хатоларини тушунтирсангиз, уларни бартараф этишга ёрдам берсангиз, умр бўйи яхши дўстлар орттиришини таъминлайсиз. Аслида бу қизларнинг асосий мақсади ўзини синашдир. Бундай қизлар романтик муносабатларга ортиқча баҳо берадилар. Шу ролда ўзларини кўрсатишни истайдилар. Уларга ҳақиқий дунё кинолардагига ўхшамаслигини тушунтиринг. Уларнинг насиҳат эшитишга хушлари йўқ, аммо бир неча оғиз таъсирчан жумла туйғулар қуршовидан чиқишларига ёрдам бериши мумкин.

Бундай қизлар жозибador кўринишни истайдилар. Бу ҳолат ёмон ниятли кишилар эътиборини тортиши мумкинлигини назарда тутиб, бироз чеклашни лозим. Кўринишлари қандай экани, ёқтирилган-ёқтирилмаганига жуда қизиқадилар. Ўзларига қаратилган нигоҳлардан мамнунлик уларни янада жозибador бўлишга ундайди. Қизларингизга эркакларнинг термулишлари, гап отишлари муҳаббат ифодаси эмаслигини тушунтиринг. Ҳақиқатан севадиган инсон

6**2012
ИЮЛЬ***Ёмон кимсаларга дуч келсанг
Аллаҳ таолога сизин. Шу тариқа
одамларнинг энг яхшиси бўласан.***16 1433 Шайбон**

ЖУМА	Тонг	Кўёш	Пешин	Аср	Шом	Хуфтон
Тошкент	3:24	4:54	12:27	18:01	20:01	21:31
Андижон	3:12	4:42	12:15	17:49	19:49	21:19
Бухоро	3:45	5:15	12:48	18:22	20:22	21:52
Гулистон	3:31	5:01	12:34	18:08	20:08	21:38
Жиззах	3:30	5:00	12:33	18:07	20:07	21:37
Навоий	3:43	5:13	12:46	18:20	20:20	21:50
Наманган	3:14	4:44	12:17	17:51	19:51	21:21
Нукус	4:02	5:32	13:05	18:39	20:39	22:09
Самарқанд	3:33	5:03	12:36	18:10	20:10	21:40
Термиз	3:31	5:01	12:34	18:08	20:08	21:38
Урганч	3:59	5:29	13:02	18:36	20:36	22:06
Фаргона	3:14	4:44	12:17	17:51	19:51	21:21
Қарши	3:35	5:05	12:38	18:12	20:12	21:42

севгилисига ҳурмат билан муносабатда бўлишини билишлари фойдалидир. Ҳақиқий севги гап отиш билан бошланмайди. Қизлар янги унаштирилганлар ва янги келин-куёваларни қизиқиш билан кузатадилар, ҳавас қиладилар. Агар уларга ўхшашни истасалар худди шундай шароит ва муносабатларни излайдилар. Ҳали жуда эрта экани, олдиларида таълим олиш, касб эгаллаш каби муҳим вазифалар турганини ўйламайдилар. Бундай қизларни «өнгилтак, ёмон қиз» деб айблаш нотўғридир. Рухшуносликда шундай қонуният бор: ёмон нарса ҳақида гапириш бошоратга айланади.

Аслида инсон фақат танадан иборат эмас, таълим-тарбиянинг ҳам муҳим аҳамияти бор. Ҳозирда буларни алоҳида тушунишга одатланганмиз. Таълим касбий ҳаётда, тарбия эса умр бўйи керак бўлади.

Табиблар қадим замонлардан бери темирлаткага майизни иккига бўлиб суртганлар.



*Хусну хулқ бирла адабтик икки
бахтлар васфидир,
Баҳрасиз қалмоқ адабдин
надон улфатдан келур.*
Хушкӯр

2012
ИЮЛЬ

7

Шаббон 1433 17

ШАНБА	Тонг	Қуёш	Пешин	Аср	Шом	Хуфтон
Тошкент	3:25	4:25	12:27	18:00	20:00	21:30
Андижон	3:13	4:13	12:15	17:48	19:48	21:18
Бухоро	3:46	4:46	12:48	18:21	20:21	21:51
Гулистон	3:32	4:32	12:34	18:07	20:07	21:37
Жиззах	3:31	4:31	12:33	18:06	20:06	21:36
Навоий	3:44	4:44	12:46	18:19	20:19	21:49
Наманган	3:15	4:15	12:17	17:50	19:50	21:20
Нукус	4:03	5:03	13:05	18:38	20:38	22:08
Самарқанд	3:34	4:34	12:36	18:09	20:09	21:39
Термиз	3:32	4:32	12:34	18:07	20:07	21:37
Урганч	4:00	5:00	13:02	18:35	20:35	22:05
Фарғона	3:15	4:15	12:17	17:50	19:50	21:20
Қарши	3:36	4:36	12:38	18:11	20:11	21:41

БАЛОҒАТ ДАВРИДА ОВҚАТЛАНИШ

Бу ёшдагиларнинг энг ёмон одати нонушта қилмасликдир. Аслида нонушта инсон саломатлигида муҳим ўрин тутувчи овқатланиш пайтидир. Тун бўйи очикқан тана тонгда тўйимли, дармондориларга бой нонушта билан кунни бошлаши зарур.

Балоғат ёшидагилар ижтимоий фаолиятга ва эмоционал туйғуларга берилган бўлганларидан уларнинг овқатланишларини назорат қилиш ота-оналар зиммасига тушади.

Бу даврда тартибсиз овқатланиш, афсуски, жуда кўп кузатилинади. Шошиб-пишиб у-бу нарса тамадди қилиш ёшларнинг овқатланиш тарзига айланади. Бу кўникмалар шиддатли ҳаёт суръати ва тақлид туфайли шаклланмоқда.

Бундай овқатланиш салбий оқибатларга сабаб бўлишини ҳаммамиз биламиз. Гамбургер, чипс, кола каби ёшларнинг сеvimли егуликлари, ичимликларида энергиянинг 40–50 фоизини тўйинтирилган ёғлар ташкил қилади. Кексайганда учрайдиган юрак-томир касалликлари, халестеролнинг юқори даражада бўлишига ёшлик давридаги пала-партиш овқатланиш ҳам сабаб бўлади. Бундай овқатланишда А ва С витамин-

8

2012
ИЮЛЬ

*Бошқаларга муҳтож эканингни
билдирма. Бундай қилишинг
бойликдир. Очқўзликдан сақлан.
Зеро очқўзлик камбағалликдир.*

18 1433 Шабон

ЯКШАНБА	Тонг	Кўш	Пешин	Аср	Шом	Хуфтон
Тошкент	3:26	4:56	12:28	18:00	20:08	21:30
Андижон	3:13	4:43	12:16	17:48	19:48	21:18
Бухоро	3:48	5:18	12:49	18:21	20:21	21:51
Гулистон	3:32	5:02	12:35	18:07	20:07	21:37
Жиззах	3:31	5:01	12:34	18:06	20:06	21:36
Навоий	3:44	5:14	12:47	18:19	20:19	21:49
Наманган	3:15	4:45	12:18	17:50	19:50	21:20
Нукус	4:03	5:33	13:06	18:38	20:38	22:08
Самарқанд	3:34	5:04	12:37	18:09	20:09	21:39
Термиз	3:32	5:02	12:35	18:07	20:07	21:37
Урганч	4:00	5:30	13:03	18:35	20:35	22:05
Фарғона	3:15	4:45	12:18	17:50	19:50	21:20
Қарши	3:38	5:08	12:38	18:11	20:11	21:41

лари, калций танага яхши сингмайди; ёғ ва туз эса келтирилган ортиқ истеъмол қилинади.

Бўйга етган қизлар тана ўлчамлари ва ташқи кўринишга жуда катта эътибор берадилар, катталарга тақлид қиладилар, чиройли кўриниш ҳаракатида бўладилар. Шунинг учун овқатдан ўзларини тийиб, саломатликларига путур етказадилар.

Оёқнинг жуда кўп терлашига қарши восита

Ҳар қуни оёқни совуқ сув билан ювиб туриш керак. Агар юқорида кўрсатилган восита ёрдам бермаса, у вақтда аччиқтош порошогини қўллаш зарур. Порошокни пайпоққа сепиб узоқ вақт мобайнида юрилса, албатта оёқнинг кўп терлаши йўқолади.



*Дунёга кўнгул боғлама! Унга
ишанма. Зера, сен бунинг учун
дратилмагансан.*

**2012
ИЮЛЬ**

9

Шабон 1433 19

ДУШАНБА	Тонг	Кўёш	Пешин	Аср	Шом	Хуфтон
Тошкент	3:26	4:56	12:28	18:00	20:00	21:30
Андижон	3:14	4:44	12:16	17:48	19:48	21:18
Бухоро	3:47	5:17	12:49	18:21	20:21	21:51
Гулистон	3:33	5:03	12:35	18:07	20:07	21:37
Жиззах	3:32	5:02	12:34	18:06	20:06	21:36
Навоий	3:45	5:15	12:47	18:19	20:19	21:49
Наманган	3:16	4:46	12:18	17:50	19:50	21:20
Нукус	4:04	5:34	13:06	18:38	20:38	22:08
Самарқанд	3:35	5:05	12:37	18:09	20:09	21:39
Термиз	3:33	5:03	12:35	18:07	20:07	21:37
Урганч	4:01	5:31	13:03	18:35	20:35	22:05
Фарғона	3:16	4:46	12:18	17:50	19:50	21:20
Қарши	3:37	5:07	12:39	18:11	20:11	21:41

БҲҚОҚ

Балоғат ёшидаги болаларда баъзан бҲҚОҚ пайдо бўлади. Бу босқичда ортган гормон эҳтиёжини қондириш учун қалқонсимон без бироз катталашади.

Йод етишмовчилиги туфайли келиб чикувчи бу касалликда ҳолсизлик, толиқиш кучаяди. Бола тенгдошларига нисбатан камҳаракат ва кайфиятсиз бўлади. Бундай боланинг жисмоний ва руҳий ҳолатига жиддий эътибор бериш лозим.

Балоғат ёшидаги қизларда бҲҚОҚ касаллиги кўп учрайди. БҲҚОҚ аёлларда эркакларга нисбатан 4–5 марта кўпроқ кузатилади. Денгиз маҳсулотлари ва йодли туз истеъмоли касалликнинг камайишига сабаб бўлади.

Йод етишмовчилиги бўлган аёлларда ҳомиладор бўлиш ва фарзанд кўриш имконияти камаяди.

Болалардаги кўк йўталга қарши синналган дори-дармон

Бир бош саримсоқнинг ўртача катталикидаги 5 та дона бўлаги олинади. Майда қилиб кесилади ёки туйиб майдаланади. Бир стакан янги сутга солиб, яхшилаб қайнатилади. Бемор боллага бир кунда 3–4 марта ичишига берилади.

10**2012
ИЮЛЬ***Кўп демак – сузга мағрурлик,
кўп емак – нафсга бандатикдир
Алишер Навоий***20 1433 Шабан**

СЕШАНБА	Тонг	Куюш	Пешин	Аср	Шом	Хуфтон
Тошкент	3:27	4:57	12:28	17:59	19:59	21:29
Андижон	3:15	4:45	12:16	17:47	19:47	21:17
Бухоро	3:48	5:18	12:49	18:20	20:20	21:50
Гулистон	3:34	5:04	12:35	18:06	20:06	21:36
Жиззах	3:33	5:03	12:34	18:05	20:05	21:35
Навоий	3:46	5:16	12:47	18:18	20:18	21:48
Наманган	3:17	4:47	12:18	17:49	19:49	21:19
Нукус	4:05	5:35	13:06	18:37	20:37	22:07
Самарқанд	3:36	5:06	12:37	18:08	20:08	21:38
Термиз	3:34	5:04	12:35	18:06	20:06	21:36
Урганч	4:02	5:32	13:03	18:34	20:34	22:04
Фаргона	3:17	4:47	12:18	17:49	19:49	21:19
Карши	3:38	5:08	12:39	18:10	20:10	21:40

РАФИҚАЛИК ВА ОНАЛИККА ТАЙЁРГАРЛИК

Бўйига етаётган қизингизнинг ҳаётга тайёрлашнинг бир қанча шартлари бор. Булардан бири унинг рафиқа, уй бекаси, она сифатидаги вазифани бажаришга тайёргарлик кўришидир. Бунда кизга йўл кўрсатувчи шахс, шубҳасиз, онадир.

Ҳозирги пайтда айрим қизлар ўқиш ва ишга берилиб кетганлар. Оналари пишириб қўйган тайёр овқатни тановул қиладилар, ювиб дазмоллаб берилган кийимларни киядилар. Турмуш қургач, бу ишларни қилиш талаб этилганда... қиёмат кўпади.

Оналарнинг қизларини уй бекалигига тайёрлашлари бахтли оила қуришларига ёрдам беради.

Қизингиз мактабдан, ишдан кеч қайтган, чарчган бўлса-да, ҳеч бўлмаса, дастурхонни йиғиштириб, идиш-товоқларни ювсин. Ота-онасига чой дамлаб берсин. Кийимларини ўзи дазмолласин. Акс ҳолда шу ишларни қилиши керак бўлганида қийналиб қолади.

Қизингиз бозор-ўчар қилишни, уйни озода сақлашни ҳам билиши зарур. Кутилмаганда меҳмон келиб қолса, тез пишадиган таомлар тайёрлаб, дастурхон тузасин. Буни қилиш унчалик қийин эмас. Қўйингки, у келажакдаги масъулиятни ҳис қилсин.

*Яхши фарзанд ота-она ҳурмати,
Ёмон фарзанд хонадоннинг кулфати,
Донолар бисотидан*

2012
ИЮЛЬ

11

Шаббон 1433 21

ЧОРШАНБА	Тонг	Қуеш	Пешин	Аср	Шом	Хуфтон
Тошкент	3:28	4:58	12:28	17:59	19:59	21:29
Андижон	3:16	4:46	12:16	17:47	19:47	21:17
Бухоро	3:49	5:19	12:49	18:20	20:20	21:50
Гулистон	3:35	5:05	12:35	18:06	20:06	21:36
Жиззах	3:34	5:04	12:34	18:05	20:05	21:35
Навоий	3:47	5:17	12:47	18:18	20:18	21:48
Наманган	3:18	4:48	12:18	17:49	19:49	21:19
Нукус	4:06	5:36	13:06	18:37	20:37	22:07
Самарқанд	3:37	5:07	12:37	18:08	20:08	21:38
Термиз	3:35	5:05	12:35	18:06	20:06	21:36
Урганч	4:03	5:33	13:03	18:34	20:34	22:04
Фарғона	3:18	4:48	12:18	17:49	19:49	21:19
Карши	3:39	5:09	12:39	18:10	20:10	21:40

Қизингизнинг болапарвар бўлиши ҳам сизнинг тарбиянгизга боғлиқ. Инсон ҳаётда қанча бойлик тўпласа ҳам, юқори мартабаларга эришса ҳам, ҳаётига фарзанд тарбиялаш каби мазмун бахш эта олмайди. Бола улғайтиришнинг қийинлиги ҳақида кўп гапирманг. Қизингизнинг оналикни ҳавас қилиши, яхши она бўла олиши ҳеч шубҳасиз, сиз билан муносабатидан бахтиёр эканига боғлиқ.

Сиз билан муносабати ўз фарзандлари билан бўладиган муносабатнинг андозасидир. Сиздан меҳр-муҳаббатни, инсонийлик, оқибатни, ҳурматни ўрганса, дилбандларига шуларни ўргатади. Сиз унга яхши йўл-бошчи, маслаҳатчи бўлсангиз, у ҳам фарзандларига тенгсиз тарбиячи – дўст бўлади. Балоғат даврида жисмонан ва руҳан ўзгарган қизларнинг бу ҳолатга кўни-кишлари осон кечмайди. Бу даврда оилалар қизларини тўғри тушунишлари учун баъзи нозик жиҳатларни би-лишлари керак.



12**2012
ИЮЛЬ***"Раббилфиртий" (Раббим,
мени мағфират эт...) дуосини
кўп ўқигин. Зеро, шундай вақт
борки, Аллах тавало ўша вақтда
дуоғўини тилагига етказди.***22 1433 Шаббон**

ПАЙШАНБА	Тонг	Кўёш	Пешин	Аср	Шом	Хуфтон
Тошкент	3:28	4:58	12:28	17:58	19:58	21:28
Андижон	3:16	4:46	12:16	17:46	19:46	21:16
Бухоро	3:49	5:19	12:49	18:19	20:19	21:49
Гулистон	3:35	5:05	12:35	18:05	20:05	21:35
Жиззах	3:34	5:04	12:34	18:04	20:04	21:34
Навоий	3:47	5:17	12:47	18:17	20:17	21:47
Наманган	3:18	4:48	12:18	17:48	19:48	21:18
Нукус	4:06	5:36	13:06	18:36	20:36	22:06
Самарқанд	3:37	5:07	12:37	18:07	20:07	21:37
Термиз	3:35	5:05	12:35	18:05	20:05	21:35
Урганч	4:03	5:33	13:03	18:33	20:33	22:03
Фарғона	3:18	4:48	12:18	17:48	19:48	21:18
Қарши	3:39	5:09	12:39	18:09	20:09	21:39

ОСОН ТУТМАНГ ҚИЗ УЗАТГАН АЁЛЛАРГА

Маҳаллага келин тушди, бугун салом,
Кўёв томон кўрсатишарлар эҳтиром.
Кўчамиздан учта аёл ўтиб борар,
Маҳаллани сас-садоси ютиб борар.

Иккитаси бир гапирса, ўнта хандон,
Кўшни келин ғийбатини қилиб чунон.
Учинчиси чўмиб борар хаёлларга,
Осон тутманг қиз узатган аёлларга.

Тўртта қизни узатган у онаизор,
Йиғилишса, бўлиб кетар уйи бозор.
Қуни кеча тўртинчиси тўйи ўтган
Яна битта қизи қолди узатмаган.

Қатта кўёв хабар олиб кетди ҳозир,
Қайнонадан сув ўгириб ичса арзир.
Уйи, жойи, мол-давлатдан хўб кўнгли тўқ,
На қилсинки, шугинанинг фарзанди йўқ.

Ўн йилдирки, битта тирноқ кутиб яшар,
Ўн йилдирки, дардин ичга ютиб яшар.
Хаёл қурғур олиб кетар қаёнларга,
Осон тутманг, қиз узатган аёлларга.

*Қашуга ботма, замгин бўлма.
Одамларнинг қўлидаги нарсаларга
қўз тикмоқдан сақлан. Қазойи
қадарга рози бўл. Ўзингга берилган
ризиққа қаноат қил.*

**2012
ИЮЛЬ**

13

Шабдон 1433 23

ЖУМА	Тонг	Кўш	Пешин	Аср	Шом	Хуфтон
Тошкент	3:29	4:59	12:28	17:58	19:58	21:28
Андижон	3:17	4:47	12:16	17:46	19:46	21:16
Бухоро	3:50	5:20	12:49	18:19	20:19	21:49
Гулистон	3:36	5:06	12:35	18:05	20:05	21:35
Жиззах	3:35	5:05	12:34	18:04	20:04	21:34
Навоий	3:48	5:18	12:47	18:17	20:17	21:47
Наманган	3:19	4:49	12:18	17:48	19:48	21:18
Нукус	4:07	5:37	13:06	18:36	20:36	22:06
Самарқанд	3:38	5:08	12:37	18:07	20:07	21:37
Термиз	3:36	5:06	12:35	18:05	20:05	21:35
Урганч	4:04	5:34	13:03	18:33	20:33	22:03
Фарғона	3:19	4:49	12:18	17:48	19:48	21:18
Қарши	3:40	5:10	12:39	18:09	20:09	21:39


Иккинчи қиз, шалдир-шулдир гапга тўлган,
Икки ўғил, битта қизга она бўлган.
Лек куёвга ҳар кун байрам, «отиб» келар,
Қиз бечора тонга яқин топиб келар.

Учинчи қиз келиб роса йиғлаб кетди,
Йиғлаб-йиғлаб она бағрин тиглаб кетди.
Дардин ёйиб, кўк рўмоли қолиб кетди
Бир қоп гуруч, бир қоп буғдой олиб кетди.

Россияга ризқин излаб кетди куёв,
Икки йилда битта маош келмади-ёв.
Шукур, қизи чаққон, ўзи эплайпти,
Бир ой бўлди, харажатга келмаяпти.

Кенжа куда бирам яхши, танти чикди,
Чарларида палов, гўмма, манти қипти.
Лекин қизи лабин буриб кетди маня,
Билагузук қилмаганди, шунга таъна.

Шу ўйлардан бошдан ҳуши учиб қолди,
Қўлтиғидан саломлиги тушиб қолди.
Ортада қолди она чўмюр хаелларга,
Осон тутманг, қиз узатган аёлларга,
Осон тутманг, қиз чиқарган аёлларга.



14

2012
ИЮЛЬ

Ёлгон гапиршдан жуда эҳтиёт бўл. Чунки ёлгон динингни булади ва одамлар олдида обрўсизлантиради. Намозжада, эътибор ва даражангни бўқотасан.

24 1433 Шайбон

ШАНБА	Тонг	Кўёш	Пешин	Аср	Шом	Хуфтон
Тошкент	3:30	5:00	12:28	17:57	19:57	21:27
Андижон	3:18	4:48	12:16	17:45	19:45	21:15
Бухоро	3:51	5:21	12:49	18:18	20:18	21:48
Гулистон	3:37	5:07	12:35	18:04	20:04	21:34
Қаззах	3:36	5:06	12:34	18:03	20:03	21:33
Навой	3:49	5:19	12:47	18:16	20:16	21:46
Наманган	3:20	4:50	12:18	17:47	19:47	21:17
Нухус	4:08	5:38	13:06	18:35	20:35	22:05
Самарқанд	3:39	5:09	12:37	18:06	20:06	21:36
Термиз	3:37	5:07	12:35	18:04	20:04	21:34
Урганч	4:05	5:35	13:03	18:32	20:32	22:02
Фаргона	3:20	4:50	12:18	17:47	19:47	21:17
Қарши	3:41	5:11	12:39	18:08	20:08	21:38

КИТОБЛАРДА БИТИЛМАГАН ОДОБНОМА

ҲИЛОЛА жавондан олган китобчасини келинойи-сига кўрсатиб деди:

– Келинойижон, қаранг, бу китобчани сизга ойингиз мөндөк ўсмир пайтингизда совға қилган эканлар. Мөн ҳам ўқиб чиқсам майлими?

– Албатта, диққат билан ўқиб чиқинг! Шу китобча баҳона, ойимлар билан ҳеч ерда ёзиб қўйилмаган, лекин одамлар кўпинча риоя қиладиган халқ одоби қоидалари ҳақида сўзлашганимиз эсимга тушди.

– Шунақа одоблар ҳам борми? Қизиқ-ку!

– Бор, бунга ўзингиз ҳам кўп тўқнаш келгансиз, бироқ эътибор бермай ўтган бўлсангиз керак. Масалан, ўзбекларнинг хонадонидида кичкина қизлар ҳам ҳар гал уйга кираётганда ёки ҳовлига чиқаётганида пойгакдаги оёқ кийимларини йиғиштириб, пар-пари билан текис қилиб, тумшуғини кийишга ўнғай бўлсин учун олдинга қаратиб қўйишади. Мана, сиз ҳам бизникига меҳмон бўлиб келганингиздан бери, ҳеч ким сизга айтмаса ҳам шундай қиляпсиз. Биламан, сиз буни ҳеч ерда ўқимагансиз, лекин эсингизни таниганингиздан бери шундай қиласиз. Чунки уйда ойингиз, опангиздан кўриб, одат қилгангиз. Эрталаб нонуштага, туш-

Билмагани сўраб ўрганган алим.
Орگانиб сўрамаган ўзига талим.

2012
ИЮЛЬ

15

Алишер Навоий

Шабон

1433

25

ЯҚШАНБА	Тонг	Кўёш	Пешин	Аср	Шом	Хуфтон
Тошкент	3:31	5:01	12:29	17:57	19:57	21:27
Андижон	3:19	4:49	12:17	17:45	19:45	21:15
Бухоро	3:52	5:22	12:50	18:18	20:18	21:48
Гулистон	3:38	5:08	12:36	18:04	20:04	21:34
Жиззах	3:37	5:07	12:35	18:03	20:03	21:33
Навоий	3:50	5:20	12:48	18:16	20:16	21:46
Наманган	3:21	4:51	12:19	17:47	19:47	21:17
Нукус	4:09	5:39	13:07	18:35	20:35	22:05
Самарқанд	3:40	5:10	12:38	18:06	20:06	21:36
Термиз	3:38	5:08	12:36	18:04	20:04	21:34
Урганч	4:06	5:36	13:04	18:32	20:32	22:02
Фарғона	3:21	4:51	12:19	17:47	19:47	21:17
Қарши	3:42	5:12	12:40	18:08	20:08	21:38

ликка, кечки овқатга дастурхон ёзаётганимда, яна ҳеч ким айтмаса ҳам, ўрнингиздан туриб менга қарашиб юбораяпсиз. Бунга ҳам одатлангансиз. Ҳатто мён келинойимга қарашаяпман, деган фикр хаёлингизга ҳам келмайди. Қизларнинг оналар юрагига малҳам бўлиб, эрта дастёрликка киришиб кетиши миллатимизга хос, энг яхши қадрият ҳисобланади. Аслида, қизлар шундай қилсинлар, деб ҳеч ерда ёзилмаган.

– Вой, тўғри айтаяпсиз, келинойи. Яқинда эшигимиз жиринглади. Акам дарс қилиб ўтирган эдилар, мен оча қолай деб эшик томон кетаётган эдим, ойим мени тўхтатдилар ва акамга эшикни очишни айтдилар. Акам ҳам жаҳл қилмай эшикни очиб, меҳмон – амакимларни бошлаб келдилар. Ойимлар билан бирга дастурхон ёзгунимизча акам амакимлар олдиларида гаплашиб ўтирдилар. Чой қуйиб сўрашиб бўлганимдан сўнг ойимнинг ишоралари билан мен дарсим борлигини айтиб ўз хонамга чиқиб кетдим. Акамлар эса адам ишдан келгунларича меҳмон олдида ўтирдилар. Кейин дарсларини давом эттирдилар.

– Тўғри қилибсиз, ўша айтган ҳалиги китобларга битилмаган, аммо халқ одобнома қоидасига кўра, бизда қизлар эркак меҳмонлар, катта ёшдагилар олдида

16**2012
ИЮЛЬ***Онаси мақтаган қизни олма,
Янғаси мақтаган қиздан қалма.
Мақол***26 1433 Шабон**

ДУШАНБА	Тонг	Кӯёш	Пешин	Аср	Шом	Хуфтон
Тошкент	3:31	5:01	12:28	17:56	19:56	21:26
Андижон	3:19	4:49	12:16	17:44	19:44	21:14
Бухоро	3:52	5:22	12:49	18:17	20:17	21:47
Гулистон	3:38	5:08	12:35	18:03	20:03	21:33
Жиззах	3:37	5:07	12:34	18:02	20:02	21:32
Навий	3:50	5:20	12:47	18:15	20:15	21:45
Наманган	3:21	4:51	12:18	17:46	19:46	21:16
Нукус	4:09	5:39	13:06	18:34	20:34	22:04
Самарқанд	3:40	5:10	12:37	18:05	20:05	21:35
Термиз	3:38	5:08	12:35	18:03	20:03	21:33
Урганч	4:06	5:36	13:03	18:31	20:31	22:01
Фарғона	3:21	4:51	12:18	17:46	19:46	21:16
Қарши	3:42	5:12	12:39	18:07	20:07	21:37

кўп ўтирмайдилар. Акангизнинг эшик очишларига кел-
сак... Эшик жинғироғи эшитилганда оила аъзоларидан
ёшроғи, кўпинча ўғил болалар югуриб эшик очишади.
Бу – қизларни аяшганидан. Эшик ҳамisha ёруғ вақтда
тақилламайди-да. Қоронғида қизлар чўчиши мумкин.
Яна эшикни ҳар хил одам тақиллатиши мумкин. Шу-
нинг учун эшикни эркак киши очгани маъқул. Келган
киши қариндош бўлса кулишиб, сўрашиб бараварига
ҳовлига кириб келишади. Кўпинча эшик очган йигитча:
«Ойи-жон, адажон, қаранглар, азиз меҳмон келдилар!»
дейди. Ҳамма баравар ўрнидан туриб меҳмонга иззат
билдиришади. Борди-ю, келган одам оила аъзолари-
нинг биронтасига тегишли одам бўлса, лекин киришга
фурсати бўлмаса, эшик очган киши оила аъзоларидан
тегишли кишини чақириб беради:

– Сизни фалончи акам (ё опам) йўқлаптилар, –
дейди.

Меҳмон билан муомала қилиб қайтган киши оила-
нинг бошқа аъзоларига, хусусан ота-онасига, катта-
ларга, аввало сўраб келган дўсти ёки ҳамкасбининг
тинчлигини билдиради, лозим бўлса келиши сабабини
айтади. Бу ҳам китобларда ёзилмаган одоб қондаси.

– Борди-ю эшик қоққан киши эркак бўлса-ю, уйда

Яшмиликка минимал ва кийимларни
Эмонликдан қайтар ҳамда ўзингга
етган (балаларга) сабр қил! Бу энг
ақилжаноб ишлардир.

2012
ИЮЛЬ

17

Шаббон 1433 27

СЕШАНБА	Тонг	Кўёш	Пешин	Аср	Шом	Хуфтон
Тошкент	3:32	5:02	12:28	17:55	19:55	21:25
Андижон	3:20	4:50	12:16	17:43	19:43	21:13
Бухоро	3:53	5:23	12:49	18:16	20:16	21:46
Гулистон	3:39	5:09	12:35	18:02	20:02	21:32
Жиззах	3:38	5:08	12:34	18:01	20:01	21:31
Навоий	3:51	5:21	12:47	18:14	20:14	21:44
Наманган	3:22	4:52	12:18	17:45	19:45	21:15
Нукус	4:10	5:40	13:06	18:33	20:33	22:03
Самарқанд	3:41	5:11	12:37	18:04	20:04	21:34
Термиз	3:39	5:09	12:35	18:02	20:02	21:32
Урганч	4:07	5:37	13:03	18:30	20:30	22:00
Фарғона	3:22	4:52	12:18	17:45	19:45	21:15
Карши	3:43	5:13	12:39	18:06	20:06	21:36

менга ўхшаган ёш қиз ёки келиндан бошқа ҳеч ким бўл-
маса; унда нима қилиш керак, келинойижон?

– Барибир эшикни қия очасиз, ўзингизни сал эшик
панасига олиб ҳаё билан саломлашасиз. Агар келган
одамни танисангиз, илтифот билан «Уйга кириш, мар-
ҳамат! Ҳадемай дадам ёки акам келиб қоладилар!»,
деб уйда ўзингиздан бошқа ҳеч ким йўқлигига ишо-
ра қиласиз. Агар эркак киши ўзбекона тарбия кўрган,
фаросатли бўлса, вёл, айниқса қиз бола ёлғиз бўл-
ган хонадонга киришни ўзига эп билмайди, албатта.
Бундайлар, ҳатто яқин қариндошларимиз ҳам совға-
саломини мезбон қизга топшириб, «бир айланиб кел-
лиш» баҳонасида вақтинча хайрлашади. Бу ҳам китоб-
ларда бўлмаса ҳам, халқнинг одоб китобига битилган
қоида, ахлоқийлик белгиси.

Сиздек вақтимда ойимлар бизга кўп насиҳат қилар
эдилар:

– «Кайфиятинг қандайлиги, ичингдан нима ўтаёт-
ганидан қатъи назар, эшикдан бир одам йўқлаб кел-
ганида, кўзингда нур, лабингда табассум бўлсин!» дер-
дилар. Театр артистларини кўп ибрат қилиб кўрсатар,
улар уйларида бирон ташвишли ҳол бўлса ҳам, те-
атрга келган томошабинда яхши таассурот қолдириш

18**2012
ИЮЛЬ**

Хушқи ёмон хотинлардан эҳтиёт бўл, Чунки улар сени барвақт қарштади. Уларнинг ёмонлигидан сақлан. Зеро, улар яхшилик келтирмайди.

18 1433 *Шубон*

ЧОРШАНБА	Тонг	Кўёш	Пешин	Аср	Шом	Хуфтон
Тошкент	3:33	5:03	12:29	17:55	19:55	21:25
Андижон	3:21	4:51	12:17	17:43	19:43	21:13
Бухоро	3:54	5:24	12:50	18:16	20:16	21:46
Гулистон	3:40	5:10	12:36	18:02	20:02	21:32
Жиззах	3:39	5:09	12:35	18:01	20:01	21:31
Навой	3:52	5:22	12:48	18:14	20:14	21:44
Наманган	3:23	4:53	12:19	17:45	19:45	21:15
Нукус	4:11	5:41	13:07	18:33	20:33	22:03
Самарқанд	3:42	5:12	12:38	18:04	20:04	21:34
Термиз	3:40	5:10	12:36	18:02	20:02	21:32
Урганч	4:08	5:38	13:04	18:30	20:30	22:00
Фаргона	3:23	4:53	12:19	17:45	19:45	21:15
Карши	3:44	5:14	12:40	18:06	20:06	21:36

учун ролни жуда яхши ўйнашади, чунки бу ерга келган кишининг кўнглига чироқ ёқиш артистнинг бурчи эканини улар яхши тушунишни айтардилар. Меҳмонни нурли юз билан кутиб олсангиз, унинг қалбига чироқ ёқасиз дердилар. Бу ҳам халқимизнинг энг олижаноб фазилатларидан.

“Қизлар дафтари”дан

Одамнинг қуввати кетганда ва ништаҳа йўқолиганда
табиблар воситаси

Қачон мана шундай бетоғлик ҳолати белгиси сезилганда, мунтазам бир неча кун давомида қирғичдан ўтказилган трупни иложи борица кўп озиқа сув билан истеъмол қилиши керак. Даволаниш вақтида 20-30 дона хантални (горчица) бир кунда бир марта сув билан қабул қилиш тавсия қилинади.

Мана шу касалликда, шунинг билан бирга бир хил ошқозон-ичак касалликларида ҳам, хантал кучли шифобахш восита бўлиб ҳисобланади. Аммо битта шарт билан: даволаниш бўлинмасдан мунтазам равишда 20 кун ва ундан ҳам кўпроқ давом этиши керак. Яна хантал янги (бу йилги) бўлиши керак.

*Дунёда ўзингга етадиган
қадар насибани ол. Акс ҳаёда,
бошқаларга муҳтаж бўласан,
кўзларига қараб қаласан.*

**2012
ИЮЛЬ**

19

Шабон 1433 29

ПАЙШАНБА	Тонг	Кўш	Пешин	Аср	Шом	Хуфтон
Тошкент	3:34	5:04	12:29	17:54	19:54	21:24
Андижон	3:22	4:52	12:17	17:42	19:42	21:12
Бухоро	3:55	5:25	12:50	18:15	20:15	21:45
Гулистон	3:41	5:11	12:36	18:01	20:01	21:31
Жиззах	3:40	5:10	12:35	18:00	20:00	21:30
Навобий	3:53	5:23	12:48	18:13	20:13	21:43
Наманган	3:24	4:54	12:19	17:44	19:44	21:14
Нукус	4:12	5:42	13:07	18:32	20:32	22:02
Самарқанд	3:43	5:13	12:38	18:03	20:03	21:33
Термиз	3:41	5:11	12:36	18:01	20:01	21:31
Урганч	4:09	5:39	13:04	18:29	20:29	21:59
Фарғна	3:24	4:54	12:19	17:44	19:44	21:14
Қарши	3:45	5:15	12:40	18:05	20:05	21:35

ОИЛАДА БАХТИЁРЛИК

Оила тинч – юрт тинч.

Сариштали уй – фариштали уй.

Эрдан – садоқат, хотиндан – итқат.

Эринг суйди – элинг суйди.

Хотиннинг яхши-ёмони меҳмон
келганда билинади.

Ўзбек халқ мақоллари

Оиладаги масъудлик, шодлик, бахтиёрликнинг калити ризо, вафо, севги ва сабрдир.

Аввал шуни билайлик; турмуш қурган икки киши бир-бирининг насибидир. Бу насиб Аллоҳнинг илмидаги қатъий бир тақдирдир. Бу тақдир-насибга рози бўлмоқ иймоннинг шартидир (иймоннинг заруратидир). Унга ҳалол өтмоқ фарз бўлганидек, етгач ҳаққини кўримоқ ҳам фарздир.

Хайрли жуфти ҳалол Аллоҳнинг қулига бир хос икромидир, хайрсиз жуфт эса дунёдаги оғир имтиҳондир...

20**2012
ИЮЛЬ***Сукут қилсанг, пушаймон
бўлмайсан. Сўз кумуш бўлса, сукут
олтиндир.***I 1433 Рамазон**

ЖУМА	Тонг	Кўёш	Пешин	Аср	Шом	Хуфтон
Тошкент	3:35	5:05	12:29	17:53	19:53	21:23
Андижон	3:23	4:53	12:17	17:41	19:41	21:11
Бухоро	3:56	5:26	12:50	18:14	20:14	21:44
Гулистон	3:42	5:12	12:36	18:00	20:00	21:30
Жиззах	3:41	5:11	12:35	17:59	19:59	21:29
Навоий	3:54	5:24	12:48	18:12	20:12	21:42
Наманган	3:25	4:55	12:19	17:43	19:43	21:13
Нукус	4:13	5:43	13:07	18:31	20:31	22:01
Самарқанд	3:44	5:14	12:38	18:02	20:02	21:32
Термиз	3:42	5:12	12:36	18:00	20:00	21:30
Урганч	4:10	5:40	13:04	18:28	20:28	21:58
Фарғона	3:25	4:55	12:19	17:43	19:43	21:13
Қарши	3:46	5:16	12:40	18:04	20:04	21:34

Оиламизнинг саодати – уни машаққатлари билан бирга қабул қилишимизга боғлиқ. Бу ишнинг тамали ризодир. Эр-хотин бир-биридаги ёқимсиз бир феъл-ни, нохуш ҳолатни кўриб ранжимаслиги, кўнгли сову-маслиги керак. Ким билсин, нафсимиз ёқтирмаган бу ҳол ичида қанча хайрлар-яхшилиқлар яшириндир. Бу кейинроқ кўриниши, билиниши, ойдин бўлиши мумкин.

Оиладаги масъудликда ризо ва вафо жуда муҳимдир. Оиласидан рози бўлган роҳат қилади, вафо кўрсатган вафо кўради, мукофот кўради.

Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидир,

Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқусидир.

Яхши киши кўрмагай ёмонлик ҳаргиз,

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир.

Бобур

Севганимизни қусури билан (аслида жуфтимишни, чунки севганининг қусури кўринмайди) қабул қилмоқ масъудлик сари ташланган биринчи, буюк қадамдир. Алоҳида унинг юкини кўтармоқ, тортмоқ, изтиробига сабр этмоқ, қайғусига қайғудош, ғамига ҳамдард бўлмоқ, хатосини авф этмоқ, у учун хайрли, яхши ду-

Ота-онанинг фарзандини тарбиялаш учун насиҳат қилиши, урушиши, уриши зироятга сув бермоқ кабидир.

2012
ИЮЛЬ

21

Рамазон 1433 2

ШАНБА	Тонг	Куёш	Пешин	Аср	Шом	Хуфтон
Тошкент	3:36	5:06	12:29	17:52	19:52	21:22
Андижон	3:24	4:54	12:17	17:40	19:40	21:10
Бухоро	3:57	5:27	12:50	18:13	20:13	21:43
Гулистон	3:43	5:13	12:36	17:59	19:59	21:29
Жиззах	3:42	5:12	12:35	17:58	19:58	21:28
Навоий	3:55	5:25	12:48	18:11	20:11	21:41
Наманган	3:26	4:56	12:19	17:42	19:42	21:12
Нукус	4:14	5:44	13:07	18:30	20:30	22:00
Самарқанд	3:45	5:15	12:38	18:01	20:01	21:31
Термиз	3:43	5:13	12:36	17:59	19:59	21:29
Урганч	4:11	5:41	13:04	18:27	20:27	21:57
Фарғона	3:26	4:56	12:19	17:42	19:42	21:12
Қарши	3:47	5:17	12:40	18:03	20:03	21:33

ода бўлмоқ яхши яшашнинг тарк этилмас шартларидандир.

Қул Раббидан рози бўлса, Парвардигори ҳам ундан рози бўлур.

Асл севги завқи машаққатлар ичра ниҳондир.

Эр-хотин оддий баҳс-тортишув туфайли бир-биридан хафа бўлиб, дарҳол ажралишни ўйлаб қолишлари тўғри эмас. Бу тўғрида Аллоҳ таоло оила бошлиқларини шундай огоҳ этади:

“Хотинларингиз билан аҳил яшанг, ёмон кўрсангиз ҳам (дарҳол ажралмасдан, сабр этинг ва шуни билингки) эҳтимол сиз ёқтирмаган нарсада Аллоҳ кўп яхшиликлар яратиб қўйгандир”. (Нисо 4/19).

Бу сўз аёлларга ҳам тегишлидир.

Камчиликсиз дўст қидирган дўстсиз қолур. Ёлғиз қолур. Қусурсиз инсон, дўст қайда бор? Бир кишининг яхши ҳоли ёмон ҳолидан зиёдароқ эса, ўша киши яхши инсон ҳисобланади ва қусурлари авф этилади. Фақат бу қусурлар ширк ва беномуслик каби гуноҳлар бўлмаса...

Бу ҳақда Раҳмат Пайғамбаримиз (с.а.в.) оила бошлиқларига ушбу нозикликни эслатадилар:

“Аёл асл эътибори билан фарқли, алоҳида табиат-

22**2012
ИЮЛЬ***Аллоҳга ширк келтирма!
Чунки ширк улкан гуноҳдир.*

3

143

Рамазон

ЯКШАНБА	Тонг	Кўёш	Пешин	Аср	Шом	Хуфтон
Тошкент	3:37	5:07	12:29	17:51	19:51	21:21
Андижон	3:25	4:55	12:17	17:39	19:39	21:09
Бухоро	3:58	5:28	12:50	18:12	20:12	21:42
Гулистон	3:44	5:14	12:36	17:58	19:58	21:28
Жиззах	3:43	5:13	12:35	17:57	19:57	21:27
Навой	3:56	5:26	12:48	18:10	20:10	21:40
Наманган	3:27	4:57	12:19	17:41	19:41	21:11
Нукус	4:15	5:45	13:07	18:29	20:29	21:59
Самарқанд	3:46	5:16	12:38	18:00	20:00	21:30
Термиз	3:44	5:14	12:36	17:58	19:58	21:28
Урганч	4:12	5:42	13:04	18:26	20:26	21:56
Фарғона	3:27	4:57	12:19	17:41	19:41	21:11
Қарши	3:48	5:18	12:40	18:02	20:02	21:32

ли этиб яратилган, уни давомли бир ҳолда тутиб туролмайди. У билан борича, ўзи эга бўлган ўша ҳолича (ўша табиатига эътиборан) яшашга ҳаракат қилинг. Йўқса, уни истаганингдек тўппа тўғри қиламан – тўғрилайман десаңгиз, синдириб қўясиз. Унинг синмоғи ажрашмоғидир” (Бухорий, Никоҳ, 79).

Ҳақсиз, кераксиз ўринда ажрашмоқ Аллоҳ севмайдиган, ғазаб, қиладиган бир ишдир. Бир ҳадисда шундай марҳамат этилади:

“Мўъмин эркак бир қусури учун дарҳол хотинига жаҳл қилмасин. Унинг бир феълидан қувонмаса, қувонтирадиган ва рози қиладиган бошқа бир феъл-хўйи ҳам бордир, ўшанга эътибор этсин”. (Муслим, Радо, 61)

Ҳатто энг бемаъни инсоннинг ҳам ёқимли бир тарафи бўлади. Эр-хотин, аввало, бир-бирининг яхши томонларини ўйлаши керак. Яхши тарафига шукр, ёмон томонига сабр этиши, идора йўлига ўтиши лозим. Агар аёл беномуслик, бузуқлик қилмаса, унинг бошқа хатоли хатти-ҳаракатларига сабр этиш керак.

“Оила саводати” китобидан

Таъбани эртага қолдирма. Чунки
ўлим ногаҳон келиб қолади.

2012
ИЮЛЬ

23

Рамазон 1433 4

ДУШАНБА	Тонг	Кӯёш	Пешин	Аср	Шом	Хуфтон
Тошкент	3:38	5:08	12:29	17:51	19:51	21:21
Андижон	3:26	4:56	12:17	17:39	19:39	21:09
Бухоро	3:59	5:29	12:50	18:12	20:12	21:42
Гулистон	3:45	5:15	12:36	17:58	19:58	21:28
Жиззах	3:44	5:14	12:35	17:57	19:57	21:27
Навобий	3:57	5:27	12:48	18:10	20:10	21:40
Наманган	3:28	4:58	12:19	17:41	19:41	21:11
Сакус	4:16	5:46	13:07	18:29	20:29	21:59
Самарқанд	3:47	5:17	12:38	18:00	20:00	21:30
Термиз	3:45	5:15	12:36	17:58	19:58	21:28
